



## МАҚОМЛАРНИ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ. ШАШМАҚОМ ВА УНИНГ УМУМИЙ ТУЗИЛИШИ.

**Baxtiyorov Ixtiyor<sup>1</sup>, Baxtiyorova Ra'no<sup>2</sup>**

<sup>1,2</sup>Фарғона вилояти Риштон туман 21 – Болалар musiқа ва санъат мактаби ўқитувчилари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5515023>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05-sentabr 2021  
Ma'qullandi: 10-sentabr 2021  
Chop etildi: 15-sentabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

Мақом, Шашмақом, мушкilot, наср, тарона, тасниф, тарже, гардун, муҳаммас, сақл.

### ANNOTATSIYA

*Мазкур мақоламизда ўзбек миллий musiқа мероси ҳисобланган мақомларнинг илмий ва амалий ўрганиш ишлари ҳамда Шашмақомнинг умумий тузилиши хусусида сўз юритдик. Мақола болалар musiқа ва санъат мактаби ўқувчиларига дарс бериш жараёнидаги маърузаларимиз асосида юзага келди.*

Мумтоз musiқа ривожланиш тарихини шартли равишда икки босқичга ажратиш мумкин.

Биринчиси – XX асргача босиб ўтилган йўл, оғзаки анъанада сақланиб ривожланиши, ҳар бири ўз номига ва услубига эга бўлиши. IX асрдан бошлаб “musиқий рисолаларда” Шарқ мумтоз musiқасининг назарий масалалари Фаробий, Ибн Сино, Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий, Нажмиддин Кавкабий, Дарвеш Али Чангий каби улкан олимлар томонидан атрофлича ўрганилиб келинган. Уларнинг асарлари musiқа илмининг пойдеворини ташкил қилиб, musiқанинг юзага келиши, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, тарихий шакллари, ижрочилик ва таълим масалалари ҳамда улар негзида куй, лад

ва усул тузилмаларининг таркиб топиш қонун қоидалари батафсил ёритилган. Шу йўлда мақом асосларига ҳам нисбатан ягона илмий анъана сифатида қарашлар гавдаланади.

Иккинчиси – XX асрдан бошлаб мумтоз musiқа намуналари нота ёзувларига битилган, садолари оҳанграбо тасмаларига туширилган, янги таълим тизимида ўзлаштирилган, ҳаваскор ва профессионал ансамбллар ва ижрочилар томонидан ижро этилиб, жонли анъана тарзида яшаб келмоқда.

Ашула ва яллалар, дostonлар ва катта ашулалар, чолғу куйлари ва туркумлар, мақомлар замонавий нота ёзувларида мухрланиб, абадий яшашга ҳозирланди.

Маълумки, ўзбек мумтоз musiқа ижодиёти тарихан асосан оғзаки



анъанада ривожланиб келган. Аммо Шарқ мусиқа назарияси масалаларига бағишланган IX – XIII аср рисолаларида мусиқанинг бир қатор унсурларини махсус ёзувда белгилашга ҳаракатлар амалга оширилган.

Абу Наср Фаробийнинг “Китобул мусиқий ал – кабир” асарида бундай изланишлар ўзининг илк бор ечимини топган эди ва Шарқ нота ёзувининг яратилишида замин бўлган (ёзувлар доира ва махсус жадвал шаклларида туширилган бўлиб, асосий товуш поғоналари уд чолғуси пардаларини акс эттирувчи ҳарфлар ёрдамида белгиланган). XIII асрда Сафиуддин Урмавий “Табулатура” (жадвал) шаклидаги нота ёзувини кашф қилишга муваффақ бўлади ва бу ёзув орқали ўз замонасида машҳур бўлган бир нечта мумтоз мақом куйларини ноталаштиради.

XX асрнинг 20 йилларига келиб мақомларни айниқса Шашмақомни нотага олиш олий мақсад қилиб қўйилади. Абдурауф Фитратнинг ташаббуси билан 1923 йил Бухорода Шашмақом илк бор Виктор Успенский томонидан бир йил мобайнида ёзиб олинди. Ушбу ёзувлар ўша даврнинг етук мақом усталари бўлмиш Отажалол Носиров, Отағиёс Абдқаниев уларнинг шогирдлари домла Халим Ибодов ва созанда Маъруфжон Тошпўлатовлардан ёзиб олинган. 1924 йил Москвада илк бор нота нашри тўплам сифатида (“Шесть музыкальных поэм” номи билан) чоп этилади. В.Успенский Шашмақомни тўлиқ нотага олган бўлсада нотўлиқ деб юритилади. Чунки ашула йўлининг сўзлари ёзилмаган.

Бунинг сабабини Успенский шундай изоҳлайди: “Ўзбек тилини тўлақонли билмаганим боис сўзларини ёзмадим”.

Нота ёзувлари аниқ мақомнинг мусиқий тилига жавоб беради. Аммо бир камчилиги ашула бўлимлари шеърӣ матнларининг йўқлиги. Кейинги нашрлар ушбу тўпламга асосланади.

1959 йилда Шашмақом илк бор тўлиқ равишда, ўзбек тилида, Юнус Ражабий ёзувида “Ўзбек халқ мусиқаси антологияси” нинг 5 – жилдида нашр этилган.

1966 – 75 йиллари Шашмақом алоҳида 6 томдан иборат тўплам сифатида тўлдирилган ва кенгайтирилган равишда Ю.Ражабий ёзувида Ф.Караматов тахрири остида нашр этилган. Ушбу олти тўмликнинг охириги нашри 2007 –йил ЮНЕСКО томонидан йирик тўплам сифатида Ю.Ражабий ўзбек мақомлари “Шашмақом” номи билан нашр этилган.

Шашмақом XVIII асрда Бухорода 12 мақом туркуми асосида ва Бухоро мусиқа анъаналари таъсирида юзага келган. У туркум сифатида 6 та мақомни қамраб олган.

1. Бузрук (буюк)
2. Рост (ижод)
3. Наво (куй)
4. Дугоҳ (2-босқич)
5. Сегоҳ (3-босқич)
6. Ироқ (жой номи)

Ҳар бир мақом ўз навбатида 2 та йирик бўлим, туркумдан иборат:

1. Чолғу бўлими – Мушкилот



## 2. Ашула бўлими – Наср

Шашмақом бастакорлар ижод махсули бўлиб, ўз ичига 250 тага яқин асарларни қамраб олган. Айрим бастакорларнинг номи асарларнинг номида мухирланиб қолган. Масалан, Султонхон, Ислимхон, Мирзаҳаким, Насрулло...

Ҳар бир мақом ўз шакли, тузилиши асарлари билан ажралиб туради. Улар ўтмишда ва ҳозир ҳам етук хонанда ва созандалар томонидан ижро этиб келинмоқда. Шу туфайли ўтмишда шаҳар ва сарой маданиятидан ўрин олган.

Мукилот –мақомларда чолғу бўлими бўлиб, бир нечта чолғу асарларидан ташкил топган. Булар якка соз ва ансамбль жўрлигида ижро этиб келинган. Ҳар бир мақомнинг мушкилот бўлими қуйидаги асарлардан иборат:

1. Тасниф
2. Таржи (қайтариш)
3. Гардун (фалак гардиши)
4. Муҳаммас (бешлик)
5. Сақл (оғир)

Мақомларда ушбу атамалар учта маънода ишлатилади.

1. Мустақил асар
2. Туркум қисми
3. Усул номи

Амалиётда Рост мақомида Таржи сақланиб қолмаган, Ироқда эса Гардун. Ҳар бир мақомнинг мушкилот бўлими 5 тадан то 10 тагача бўлиши мумкин. Туркумнинг кенгайишига сабаб, айрим мақомларнинг таркибига қўшимча чолғу йўллари киритилган. Масалан, Наво мақомида Гардундан кейин

Нағмаи Ораз; Дугоҳ мақоми таркибига Пешрав, Самои Сегоҳ... киритилган.

Наср – ашула бўлими. Мумтоз шоирларнинг аруз вазнида ёзилган фалсафий, ишқий, диний мавзулардаги шеърлари қўлланиб келинган. Наср бўлими иккита гуруҳ шўъба (арабча 1. асар, 2. туркум) ларга бўлинади.

Шашмақомнинг I гуруҳ шўъбалари:

1. Сарахбор
2. Талқин
3. Наср
4. Уфар қисмлари киради.

Сарахборларнинг диопазони 1,5; 2,5 октавадир. Булардан ташқари I гуруҳ шўъбаларига қўшимча ашула йўллари ҳам киради. Масалан, Бузрукда – Насрулло, Ростда – Наврўзи Сабо.....

Асосий қисмлар орасида тароналар ишлатилади.

**Тарона** кичик ҳажмдаги ашула. Ўтмишда тароналар хонандалар ансамбли томонидан ижро этилган. Таронанинг мақсади:

1. Боғловчи
2. Асосий хофизга дам бериш (Ансамбль томонидан ижро этилади. Сарахбордан кейин 2 тадан то еттитагача, талқин ва насрдан кейин биттадан то учтагача тароналар келади).

Мазкур мақоламиз орқали мақомларнинг ўрганилиш тарихи ва Шашмақомнинг умумий шакл тузилиши ҳақида озгина ҳикоя қилдик. Аслида мақомлар кўплаб мусиқашунос олимларнинг илмий ишларида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган ва бугунги кунга қадар ўрганилмоқда.



Биз педагогларнинг мақсадимиз ўзбек миллий мусиқа мероси бўлган мақомларимиз, жумладан, Шашмақомдек дурдона мусиқий намуналаримизни ёш авлодга тўғри

талқин ва таҳлил қилишни ўргатишдан иборат. Шу орқали унинг умрбоқийлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган бўлсак нежаб.

### References:

1. И.Ражабов. Мақомлар. Т., 2006
2. О.Иброҳимов. Мақом ва макон. Т., 1996
3. О.Матёқубов. Оғзаки анъанадаги профессионал музикаси асослари. Т., 1984
4. Р.Абдуллаев. Ўзбек мумтоз мусиқаси. Т., 2004